

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2026 йил – МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2026 йил 4 март, № 43 (9214)

Чоршанба Сайтемизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



МАМЛАКАТИМИЗ МУДОФАА ҚОБИЛИЯТИНИ МУСТАҲКАМЛАШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

3 март куни Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев ҳузурда мамлакатимиз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш масалалари юзасидан йиғилиш ўтказилди.

Юртимиз мудофаа салоҳиятини янада мустаҳкамлаш, ҳарбий хавфсизлигини таъминлаш масалалари, шунингдек, жорий йил 13 январь куни Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида белгиланган устувор вазифалар ижросининг бориши кўриб чиқилди.

Дунёда кескинлик ва можаролар ўчоқлари сақланиб қолаётгани, геосийосий рақобат кучайиб, янги хатар ва таҳдидлар хавфи ор-

тиб бораётгани таъкидланди. Айрим минтақалардаги ҳарбий ҳаракатлар жиддий гуманитар ва иқтисодий оқибатларга олиб келаётган нотинч халқаро вазият шароитида мамлакатимиз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш ҳамда хавфсизлигини таъминлаш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мудофаа вазирлиги қўшинларнинг жанговар шайлигини ошириш, қисм ва бўлинмаларни тезкор тайёрлаш, уларни замонавий қурол-

лар ва техникалар билан таъминлаш, ҳарбий-маъмурий секторлар инфратузилмасини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисида ахборот берди.

Ривожланган давлатларнинг илғор тажрибаси ва жанговар ҳаракатлар тажрибасини ўрганиш, ҳарбий бошқарув ва тайёргарлик тизимига замонавий ёндашувларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, қўшинлар самарадорлигини ошириш учун янги

технологиялар, жумладан, учувчисиз тизимлар ва рақамли бошқариш ечимларини кенг қўллаш зарурлиги қайд этилди.

Шунингдек, ҳарбий-маъмурий секторлар, полигонлар, таълим муассасалари ва моддий-техник таъминот объектлари инфратузилмасини замон талаблари асосида модернизация қилиш ҳамда ривожлантириш бўйича аниқ вазифалар белгиланди.

Ҳарбий кадрлар тайёрлаш ти-

зимини такомиллаштиришни изчил давом эттириш, илмий-тадқиқот ишларини кучайтириш, замонавий қурол-яроғ ва технологияларни ўзлаштиришга қаратилган дастурларни кенгайтириш бўйича топшириқлар берилди.

Йиғилиш якунида давлатимиз раҳбари Қуролли Кучларни янада ривожлантириш ва мамлакатимиз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш бўйича тегишли вазифаларни белгилаб берди.

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИНИ КОМПЛЕКС РИВОЖЛАНТИРИШ: ИСЛОҲОТЛАР НАТИЖАДОРЛИГИ ВА УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

Президент Шавкат Мирзиёев Хоразм вилоятида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижадорлиги ва келгуси устувор вазифалар юзасидан йиғилиш ўтказди.

Қайд этилганидек, сўнгги йилларда вилоятда мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиш орқали қўллаб соҳаларда ижобий натижаларга эришилди. Саноат ҳақми 2016 йилдаги 2,8 триллион сўмдан 34,3 триллион сўмга етди, яъни ҳудудий маҳсулот 63 триллион сўмни ташкил этди. Утган йили вилоятга 1 миллиард доллардан зиёд инвестиция жалб қилинди.

Шу билан бирга, эришилган кўрсаткичлар ҳудуд салоҳиятига тўлиқ мос эмаслиги таъкидланди. Айниқса, туризм соҳасида ноёб тарихий ва маданий меросга эга бўлган ҳудудда сайёҳларнинг ўртача қолиш муддати 1-2 кун билан чекланмоқда.

Вилоятда 1 миллиондан зиёд ёшлар яшайди, ҳар йили 35 минг нафар ёш меҳнат бозорига кириб келади. Уларнинг таълим-тарбияси, замонавий касб-хунар эгаллаши ва бандлигини таъминлаш ҳудуд раҳбариятининг доимий эътиборида бўлиши зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Ёш авлодни Жалолдин Мангуберди, Беруний, Хоразмий ва Замахшарий каби буюк шайхларга муносиб этиб тарбиялаш бўйича янги тизимли ёндашувлар ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Аҳолининг 67 фоизи қишлоқларда истиқомат қилишини инobatга олиб, айнан қишлоқ жойларда қўшимча даромад манбаларини яратиш орқали ишсизлик ва камбағалликни қисқартириш муҳим экани қайд этилди.

Масалан, Гурлан, Тупроққалъа, Янгибозор ва Қўшқўпри туманларида чорвачиликка ихтисослашган 135 та маҳаллада насли чорвани кўлайитириш, Урганч, Хонқа, Қўшқўпри ва Шовот туманларида маҳаллаларни қурилиш материаллари, тўқимачилик, хунармандчилик ва мебеласозлик йўналишларига ихтисослаштириш, шунингдек, Урганч, Қўшқўпри, Хонқа, Янгиариқ ва Шовот туманларида 6 та саноат ва хизматлар микромарказини ташкил этиш орқали камида 10 минг аҳолини камбағалликдан чиқариш имконияти бор.

Утган йили вилоятга келган хорижий ва маҳаллий туристлар сони 12,5 миллион нафарга етган. Бироқ хизматлар кўлами ва сифати, янги туристик маршрутлар ташкил этиш, сайёҳ объектларини мазмунан бойитиш ишлари етарли эмаслиги қайд этилди.

Хива шаҳри, Богот ва Хива туманлари-

даги туризм маҳаллаларида сервис объектлари барпо этиш, 59 та маҳалладаги 14 та гавжум кўча бўйича мастер-режа ишлаб чиқиш, тадбиркорларга тақдим этиш вазифаси қўйилди.

10,8 гектар майдонда жойлашган Сулаймон қалъа мажмуасини янги туристик объект сифатида комплекс ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш топширилди. Шунингдек, Урганч шаҳри орқали ўтувчи Шовот канали бўйида туризм ва сервис объектлари ҳамда қўнғилчар марказлар ташкил қилиш бўйича мастер-режа ишлаб чиқилди.

Йиғилишда инвестиция ва экспортни ошириш устувор вазифа сифатида қайд этилди. Ҳазорасп, Урганч, Шовот, Тупроққалъа ва Урганч шаҳри салоҳиятидан самарали фойдаланиб, йирик саноат лойиҳаларини амалга ошириш зарурлиги таъкидланди.

Питнак шаҳридаги автомобиль заводи қувватини ошириш, маҳаллийлаштириш даражасини 62 фоизга етказиш орқали яхлит машинасозлик кластерини шакллантириш имконияти мавжудлиги қайд этилди. Шунингдек, Ҳазораспда кимё, тўқимачилик ва озиқ-овқат, Шовотда мебелчилик ва текстиль йўналишларида янги лойиҳалар амалга оширилиши белгиланди.

Вилоят шаҳар ва туманларини замонавий қиёфага келтириш, йўл ва сув инфратузилмасини яхшилашга 1 миллиард 600 миллион доллар ажратилиши маълум қилинди.

Умуман, жорий йилда хорижий инвестиция ҳажмини 2 миллиард доллардан, экспортни 510 миллион доллардан ошириш вазифаси қўйилди. Бу орқали яъни ҳудудий маҳсулотни 8,4 фоизга, саноатни 9 фоизга, хизматларни 16,2 фоизга, қишлоқ хўжалигини 5,7 фоизга ошириш кўзда тутилган.

Утган йили Хоразм вилоятида камбағаллик даражаси 11,9 фоиздан 6,7 фоизга тушгани республикадаги энг юқори натижа бўлди. Бироқ камбағаллик даражаси республикадаги ўртача даражадан юқорилигича қолаётгани қайд этилди. Шу боис, йил якунига қадар ишсизлик ва камбағаллик даражасини камида 3 фоизгача қисқартириш асосий вазифа сифатида белгиланди.

(Давоми 2-бетда).

АЁЛЛАР ВА БОЛАЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИНГ ҲИМОЯСИНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШ БЎЙИЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТАҚДИМОТИ

Президент Шавкат Мирзиёев 3 март куни аёллар ва болалар ҳуқуқларининг ҳимоясини янада кучайтириш, уларга нисбатан тазйик ва зўравонликнинг олдини олиш юзасидан тақлифлар ҳамда янги ташаббуслар билан танишди.

Мамлакатимизда эрта никоҳ, эрта ёшдаги туғуруқ ҳамда аёллар ва болаларга нисбатан зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш масалаларига оила институтини мустаҳкамлаш жамиятда соғлом ижтимоий муҳитни шакллантиришнинг муҳим йўналиши сифатида доимий эътибор қаратиб келинмоқда.

Ушбу масалалар энг юқори даражада бир неча бор муҳокама қилиниб, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳамда бошқа мутасадди идоралар олдида аниқ вазифалар қўйилган. Уларнинг бу борадаги фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида идоралараро кенгаш ташкил этилган ва қисқа муддатларда амалий тақлифларни ишлаб чиқиш топширилган эди.

Бугунги тақдиримизда кенг жамоатчилик, соҳа экспертларининг тақлифлари ҳамда илғор халқаро тажриба асосида мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан тайёрланган ташаббуслар кўриб чиқилди.

Жумладан, ижтимоий тармоқларда аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётган бир қатор масалалар бўйича қуйидаги тақлифлар билдирилди:

- шаҳвоний шилқимлик учун белгиланган 5 суткагача маъмурий қамоқ жазосини қатъийлаштириш;
- педофиллар учун умрбод озодликдан маҳрум қилишга бўлган жазони белгилаш;
- Жиноят кодексининг 118- ва 119-моддаларидаги жинсий жиноятларни вояга етмаган шахсларга нисбатан содир этган маҳкумларни манзил-колониаларга ўтказмаслик;
- Жиноят кодексининг 6 та моддасидаги жинсий жиноятлар бўйича ишларни тергов қилиш ваколатини ички ишлар органларидан прокуратурага ўтказиш;
- шаҳвоний шилқимлик бўйича маъмурий ҳуқуқбузарликка оид материалларда жиноят аломатлари мавжуд эмаслиги бўйича прокурор қарорини олиш шартлиги;
- аёллар ва болаларга нисбатан зўравонлик жиноятлари билан махсус тайёргарликдан ўтган адвокатлар, терговчи ва судьялар шугулланиши;
- зўравонликдан жабрланган ва ҳимоя ордери берилган хотин-қизлар ҳимояси-

ни кучайтириш мақсадида уларнинг телефон қурилмаларига махсус “SOS” иловаларини ўрнатиш, бунда қақирув тугмаси босилганда 5 километр радиусдаги ички ишлар ходимлари 10 дақиқада манзилга етиб келиши ва бошқалар.

Шунингдек, юртимизда никоҳларнинг 40 фоизи 18-19 ёшдагилар ўртасида тузилиши, бироқ халқаро ташкилотларнинг энг мақбул никоҳ ёши 21 ёш экани, бу ёшга етган шахслар одатда молиявий мустақилликка эришиб, оила қуришга ҳар томонлама тайёр бўлиши ҳақидаги тавсиялари асосида қуйидаги ташаббуслар билдирилди:

- никоҳни 21 ёшга етган шахслар ўртасида тузилишини рағбатлантириш мақсадида қўшимча молиявий қўллаб-қувватлаш механизмларини жорий этиш;
- давлат божидан имтиёзлар бериш йўли билан никоҳланувчилар ўртасида никоҳ шартномаси тузилишини рағбатлантириш;
- никоҳ ёшига оид қонунчиликни бузганлик учун жариманинг 15 фоизини бундай ҳолат ҳақида хабар берган шахсларга бериш тартибини жорий этиш орқали эрта никоҳларни аниқлаш самарадорлигини ошириш;
- эрта никоҳ ва 16 ёшгача бўлган ҳомиладорлик ҳолатлари ҳақида ички ишлар органлари ва “Инсон” ижтимоий хизматлар марказларига хабар бериш бўйича идоралараро занжирни йўлга қўйиш, бунда қайд этилган ҳолатлар ҳақида хабар бермаслик учун маъмурий жавобгарликни белгилаш;
- ҳомиладор ёки 3 ёшгача бўлган фарзанд тарбияси билан банд талаба қизлар учун таълимни давом эттириш имконини бериш орқали уларни таълимдан тушиб қолишининг олдини олиш ва бошқалар тақлиф этилди.

Давлатимиз раҳбари билдирилган ташаббусларни маъқуллаб, тегишли фармонга имзо чекди ҳамда соҳадаги янгиликларни кенг жамоатчилик орасида тарғиб қилиш юзасидан мутасаддиларга топшириқлар берди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

8 МАРТ – ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда мўътабар аёл зотиға улкан эҳтиром кўрсатиш, давлат ва жамият ҳаётида тугган ўрни ва нуфузини ошириш, шунингдек, ўзининг самарали меҳнати, бой билим ва тажрибаси билан юртимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида фаол қатнашиб, Янги Ўзбекистонни барпо этиш, халқимиз фаровонлигини юксалтириш йўлида алоҳида ташаббуслар ва ибрат кўрсатиб келаётган, оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни мустаҳкамлаш, ёшларимизни она Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга катта ҳисса қўшаётган хотин-қизларни муносиб тақдирлаш мақсадида қуйидагилар мукофотлансин:

«Ўзбекистон Республикаси халқ шоири» фахрий унвони билан
Бобомуродова Хосият - Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоира

«Меҳнат шўхрати» ордени билан
Кариева Бернара Рахимовна - Ўзбекистон давлат хореография академиясининг хореография кафедраси профессори

Тошова Мойра Набиевна - Бухоро шаҳридаги «Шайхул Олам» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Бухоро вилояти Тошпулатова Клара Бекпулатовна - Муборак нефть ва газ қазиб чиқариш бошқармасининг техник бўлими стандартлаш бўйича етакчи муҳандис-технолог, Қашқадарё вилояти

Халикова Муқаддас Шамақсудовна - Ўзбек Миллий академик драма театри актёри

«Дўстлик» ордени билан
Абдрасулиева Жузигул Матемовна - Чимбой туманидаги «Гужимли» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Алиева Зафара Жумабаевна - Ўзбекистон Республикаси Маданий мерос агентлигининг амалий санъат ашёлари бўйича эксперти

Ахмеджанова Насиба Муратовна - «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг «Ўзтемирйўлмаштамир» акциядорлик жамияти электр машина цеҳи изоляция устаси

Ахмедова Зарифа Нишоневна - Шароф Рашидов туманидаги «Зомин асили» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Жиззах вилояти

Бакиева Нарзинисо Мирзоевна - Бекобод туманидаги «Боқиева Назира» фермер хўжалиги бошлиғи, Тошкент вилояти

Бердиева Барно Сайтазаровна - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият, спорт ва ёшлар масалалари қўмитаси аъзоси

Бобаназарова Жамила Холмуродовна - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитасида доимий асосда ишловчи сенатор

Броховецкая Надежда Васильевна - «Uzbekistan Airways» акциядорлик жамиятининг технологик бўлими бошлиғи

Даминова Муҳаббат Жабборовна - Сарийосиё туманидаги «Оруз Даминозод» фермер хўжалиги бошлиғи, Сурхондарё вилояти

Зиганшина Динара Равильевна - Марказий Осиё давлатлараро сув ҳақлигини мувофиқлаштириш комиссиясининг илмий-ахборот маркази директори

Ибрагимова Олия Хожамбердиевна - «Навоий кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг 1-Гидрометаллургия заводи кран машинистини, Навоий вилояти

Каримова Феруза Бахтиёревна - Ҳ.Абдуллаев номидаги Геология ва геофизика институтининг петрология лабораторияси бошлиғи

Матвиенко Ирина Александровна - «Nemolchi.uz» ижтимоий лойиҳаси раҳбари

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЗУЛФИЯ НОМИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТИ БИЛАН ТАҚДИРЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда хотин-қизларни эъозлаш, уларнинг эзгу орзу-интилишларини қўллаб-қувватлаш ҳамда ўзининг иқтидори, муҳим гоё ва ташаббуслари, ибратли амалий ишлари ва эришган ютуқлари билан ёшларга ўрнак бўлиб келаётган, ижтимоий-иқтисодий ҳаётимиздаги ўзгаришлар жараёнида фаол иштирок этиб, юртимиз равнақи йўлида бор куч-ғайрати, замонавий билим ва малакаси, маънавий-интеллектуал салоҳиятини намоён этаётган қизларимизни муносиб рағбатлантириш мақсадида:

1. Оила ва хотин-қизлар қўмитаси ҳузурдаги Зулфия номидаги Давлат мукофоти комиссиясининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг иқтидорли қизларини аъло хулқи, ноёб истеъдоди, зукколиги, ташаббускорлиги, ўқишдаги муваффақиятлари ҳамда таълим, фан, адабиёт, маданият, санъат, спорт, ахборот технологиялари соҳаларида ва жамоатчилик фаолиятида эришган алоҳида ютуқлари учун Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирлаш тўғрисидаги тақлифлари иловадаги рўйхатга мувофиқ маъқулласин.

(Давоми 2-бетда).

Ҳалол меҳнат – хотиржам ҳаёт ва фаровон жамият гарови

Жорий йилда “яширин иқтисодий”ни қисқартириш бўйича туб бурилиш амалга оширилади. Жумладан,

барча давлат хизматлари ва коммунал тўловлар, ёқилғи, алкоголь ва тамаки маҳсулотлари, автомобиль ва кўчмас мулк савдолари нақдсиз тўлов шаклига ўтказилади;

солиқ, божхона, санитария-эпидемиология назорати, стандарт, карантин, қурилиш назорати инспекцияси, ёнғин хавфсизлиги каби 17 турдаги текширувларда “боди-камера”дан фойдаланиш мажбурий бўлади.

“СоЯ”даги иқтисодийдан ихтиёрли равишда шаффофликка чиқмоқчи бўлган тадбиркорлар бухгалтерия, статистика, солиқ ҳисоботларини юритиш бўйича бепул ўқитилади.

Келгуси беш йилда яширин иқтисодий улуши 2 карра қисқартирилади;

расмий секторда банд бўлган аҳоли сони ҳозирги 8,5 миллиондан 14 миллионга етказилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлиси ва Ўзбекистон халқига Муроқабатномасидан.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

8 МАРТ — ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Муҳиддинова Умида Тулкуновна - Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг ногиронлиги бўлган шахслар учун тиббий-ижтимоий хизматлари ривожлантириш бошқармаси бошлиғи

Рўзметова Насиба Шариповна - Хива туманидаги «Кўшчи каттаб» ва «Истиклол» маҳалла фуқаролар йиғинлари хотин-қизлар фаоли, Хоразм вилояти

Убайдуллаева Нигорхон Курваналиевна - Қувасой шаҳар ҳокимининг ўринбосари - оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи, Фарғона вилояти

Урунбаева Гулчехра Шокирова - Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтининг органик деҳқончилик ва ўрмон мелиорацияси кафедраси профессори, Андижон вилояти

Хамраева Муатар Кабилджановна - Чилонзор туманидаги «Гавҳар» маҳалла фуқаролар йиғинининг «Оқила аёллар» ҳаракати раҳбари, Тошкент шаҳри

II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан Адилова Феруза Сайбжановна - «Тонг юдузи» газетаси бош муҳаррири

Аширова Гулчехра Олимовна - Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш республика марказининг Хоразм вилояти худудий бўлими директори

Имамова Дилбар Бабакуловна - Самарқанд шаҳар нурунийлар жамоатчилик кенгаши фаоли, Самарқанд вилояти

Каримова Барно Патхуллаевна - Тошкент шаҳридаги «Иф-фатли келин» ўқув маркази таъсисчиси

Раҳманова Эътиборхон Абдурауфовна - Ўзбекистон қасаба уюмчалари Федерациясининг маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими бош мутахассиси

Тураева Салиха Дусановна - Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси тасарруфидоги Гулистон тумани ахборот-кутубхона маркази директори, Сирдарё вилояти

Усмонова Хуриниса Шараповна - Наманган давлат университетининг ўзбек тилшунослиги кафедраси профессори, Наманган вилояти

II даражали «Саломатлик» ордени билан Абдуллаева Нилуфар Исматовна - Шофиркон тумани кўп тармоқли марказий поликлиникасининг бош патронаж ҳам-ширси, Бухоро вилояти

Қамбаровна Нигора Фаттаховна - Шахрихон туманидаги «Шахрихон» оилавий шифокорлик пункти оилавий шифокори, Андижон вилояти

Мансурская Эльвира Сабриевна - Гулистон шаҳар кўп тармоқли марказий поликлиникаси педиатри, Сирдарё вилояти

Муҳамедова Барно Фархадовна - Республика шoshiлиқ тиббий ёрдам илмий маркази директорининг даволаш ишлари бўйича ўринбосари

«Соғлом турмуш» медални билан Бобоева Олия Леонидовна - Наманган вилояти сув спорти турларига ихтисослаштирилган спорт мактабининг сузиш бўйича мураббийси

Куанишова Жамила Сейлбек кизи - Учқудуқ туманидаги «Кулқудуқ» оилавий шифокорлик пункти катта ҳамшираси, Навоий вилояти

Пазилова Муҳоеюн Якубжоновна - Фарғона вилояти «Miss fitness» аёллар соғломлаштириш маркази раҳбари

Халикова Хуршида Нарзуллаевна - Самарқанд вилояти яққа кураш спорт турларига ихтисослаштирилган спорт мактабининг дзюдо бўйича мураббийси

«Содиқ хизматлари учун» медални билан Жумаева Садбарой Ахатовна - Денов тумани ички ишлар бошқармасининг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими бошлиғи, Сурхондарё вилояти

Исмоилова Ирода Хотам кизи - Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг ҳарбий қисм мутахассиси

«Келажақ бунёдкори» медални билан Муқимова Махлуловна Азизжон кизи - «Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технология парк дирекцияси» масъулияти чекланган жамияти бош директорининг IT-хизматлар экспортини ривожлантириш бўйича ўринбосари

Мухторова Мадина Инъомжон кизи - Республика олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш маркази талабаси, Жиззах вилояти

«Шухрат» медални билан Абдувоҳидова Шахноза Абдуганиевна - «UZINFOCOM» масъулияти чекланган жамиятининг рақамлаштириш бўйича директори

Азимова Зарнигор Шухратовна - Навбахор туманидаги «Бешрабат» маҳалла фуқаролар йиғинининг комплекс ижтимоий хизмат кўрсатувчи ходими, Навоий вилояти

Атаджанова Юлдузхан Юлдашовна - Нукус ихтисослаштирилган маданият мактабининг фортепиано ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Атаева Муқаддас Матякубовна - Урганч шаҳридаги яққа тартибдаги тадбиркор, гул еттиштирувчи, Хоразм вилояти

Бердимбетова Гулсара Есеновна - Қорақалпоғистон табиий фанлар илмий-тадқиқот институтининг кимё лабораторияси катта илмий ходими, Қорақалпоғистон Республикаси

Буранова Айчуррак Равшанбековна - Қўрғонтепа туманидаги «Flowers Алу» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Андижон вилояти

Бутаева Зулайхо - Боёвут туманидаги «Боёвут агропилла» масъулияти чекланган жамияти пиллачиси, Сирдарё вилояти

Бутаева Инобат Юлдош кизи - Чироқчи тумани «Инсон» ижтимоий хизматлар маркази бош мутахассиси, Қашқадарё вилояти

Воҳидова Нойира Раҳимовна - Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Полимерлар кимёси ва физикаси институти лаборатория мудири

Жўраева Нилуфар Давроновна - Бойсун туманидаги «Dream's Shahinpa» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, хунарманд-қаштчи, Сурхондарё вилояти

Захидова Назира Салоҳиддиновна - Самарқанд давлат музей-қўриқонаси гид-таржумони, Самарқанд вилояти

Икрамова Тамिला Алишеровна - Ўзбекистон Миллий телерадиокорпорациясининг «O'zbekiston 24» иқодий бирлашмаси «Ахборот» бош муҳарририят катта муҳаррири Камбаридинова Ноила Меҳрожовна - Тойлоқ тумани ҳокимининг ўринбосари - оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи, Самарқанд вилояти

Кудайбергенова Асия Мирзали кизи - Зангиота тумани «Фаробий» маҳалла фуқаролар йиғинидаги ҳоким ёрдамчиси, Тошкент вилояти

Кудратова Малика Маматмуратовна - Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг Дўстлик тумани бўлими бошлиғи, Жиззах вилояти

Мамадалиева Найбхон Сайдаминовна - Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги директорининг маънавий-маърифий ишлар, давлат тили ва илмий-тадқиқот масалалари бўйича маслаҳатчиси

Маматкулова Гулбахорхон Ахмедовна - Фарғона имконияти чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган махсус техникунининг ишлаб чиқариш таълими устаси, Фарғона вилояти

Масимова Кунел Илясовна - Зарафшон шаҳридаги 15-мактабга таълим ташкилоти тарбиячиси, Навоий вилояти

Муминова Зебохон Рихсибаевна - Юнусобод туманидаги «Nova school» нодавлат таълим муассасаси раҳбари, Тошкент шаҳри

Норматова Лобархон Холматовна - Риштон туманидаги «Фурқат» фермер хўжалиги бошлиғи, Фарғона вилояти

Созикина Елена Геннадевна - Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг мутахассиси

Ташбаева Гулчехра Карабековна - Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг мутахассиси

Халбаева Гулдан Балтабаевна - Кўшкўпир тумани кўзи оғизлар кутубхонаси мудири, Хоразм вилояти

Хунарова Малахат Хайдаровна - Ангрэн шаҳридаги «Oydin central service» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Тошкент вилояти

Хурамова Салима Жўраевна - ўзур туманидаги «ўзур қоракўччилик» масъулияти чекланган жамияти бош чўпони, Қашқадарё вилояти

Шарипова Лайло Фрунзеевна - Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоира

Шерматова Гулсара Турсунбаевна - Тошкент шаҳар Марказий майдонлари ободонлаштириш бошқармасининг кукаламзорлаштирувчи-гул экувчиси

Эргашева Шахноза Агзамовна - Қибрай туманидаги «Пўлат қадам» маҳалла фуқаролар йиғини хотин-қизлар фаоли, Тошкент вилояти

Эсанова Саломат Алмардановна - Қумқўрғон туманидаги «Сайхон» оилавий шифокорлик пункти дояси, Сурхондарё вилояти

Юнусова Эътиборхон Абдухалиловна - Республика Маънавият ва маърифат марказининг Уйчи тумани бўлини маси раҳбари, Наманган вилояти

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2026 йил 3 март

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ ЗУЛФИЯ НОМИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТИ БИЛАН ТАҚДИРЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

2. Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланганларга 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан ўтказиладиган байрам тантаналарида совриндорлик дипломлари ва кўкрак нишонлари топширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорларининг ҳар бирига базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 баравари миқдорда пул мукофоти берилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокорпорацияси ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаларининг ибратли фаолияти, уларнинг ноёб истеъдоди ва эришган ютуқларини кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси ў.Мирзаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2026 йил 3 март

Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланганлар РЎЙХАТИ

Сатниязова Индира Қанияз кизи - Қорақалпоқ давлат университетининг 3-босқич талабаси (Қорақалпоғистон Республикаси)

Эримбатова Дилноза Нурулла кизи - Қорақалпоқ давлат университетининг 2-босқич магистранти (Қорақалпоғистон Республикаси)

Умурзоқова Мохларой Мухторжон кизи - Андижон давлат педагогика институтининг 1-босқич магистранти (Андижон вилояти)

Абдуқаҳорова Муслимаҳон Мирзабахром кизи - Андижон давлат педагогика институтининг 1-босқич магистранти (Андижон вилояти)

Эргашова Меҳринисо Ҳусниддин кизи - Бухоро давлат педагогика институтининг 1-босқич магистранти (Бухоро вилояти)

Файзуллаева Вазира Хамидовна - Бухоро давлат тиббиёт институтининг 1-босқич магистранти (Бухоро вилояти)

Турсуннова Висола Беҳзодовна - Жиззах давлат педагогика университетининг 2-босқич талабаси (Жиззах вилояти)

Жўрабоева Мухсина Ориф кизи - Ўзбекистон Миллий университетининг табиий география кафедраси кабинет мудири (Жиззах вилояти)

Муродова Маржона Шухрат кизи - Божхона институтининг халқаро ҳамкорлик бўлими инспектори (Қашқадарё вилояти)

Амирова Латофат Баҳром кизи - Эркин ижодкор, шоира (Қашқадарё вилояти)

Кудратова Машхура Фазлиддин кизи - Навоий шаҳридаги Президент мактабининг 11-синф ўқувчиси (Навоий вилояти)

Хайдарова Лазиза Набижон кизи - Навоий давлат университетининг 2-босқич талабаси (Навоий вилояти)

Эргашова Ҳушнозаой Тохиржон кизи - М.Турғунбоева номидаги «Баҳор» давлат рақс ансамбли балет артисти (Наманган вилояти)

Исмоилова Гулшано Шухрат кизи - Ўзбекистон Миллий университетининг 1-босқич талабаси (Наманган вилояти)

Мамедова Амалия Парвизовна - Самарқанд шаҳридаги 33-умумий ўрта таълим мактабининг 11-синф ўқувчиси (Самарқанд вилояти)

Тоҳирова Моҳиғул Умир кизи - Самарқанд давлат университетининг амалий психология кафедраси ассистенти (Самарқанд вилояти)

Мингбоева Зулхаё Улуғбек кизи - Гулистон шаҳридаги Ҳалима Худойбердиева номидаги ижод мактабининг 11-синф ўқувчиси (Сирдарё вилояти)

Махмудова Олиммаҳон Юсуфжон кизи - Ўзбек миллий мақом санъати марказининг Сирдарё вилояти бўлими создаси (Сирдарё вилояти)

Иброғимова Нодира Жўрабековна - Тошкент шаҳридаги «Shkola 21» нодавлат таълим муассасаси лойиҳа раҳбари (Сурхондарё вилояти)

Шокирова Гулхайё Ўктам кизи - Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг 1-босқич магистранти (Сурхондарё вилояти)

Уралова Гулхаё Баҳодир кизи - Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти 2-босқич таянч докторанти (Тошкент вилояти)

Холмухамедова Паризод Жасурбек кизи - Юқори Чирчиқ туманидаги 24-болалар музика ва санъат мактабининг бадий каштачилик ўқитувчиси (Тошкент вилояти)

Жўрабоева Дилафрузхон Сардоржон кизи - Халқаро фрилансерлик платформалари фрилансери (Фарғона вилояти)

Собинова Дилафрузхон Салоҳиддин кизи - Фарғона шаҳридаги Президент мактабининг 11-синф ўқувчиси (Фарғона вилояти)

Қуронбоева Мохирун Одилбек кизи - Урганч давлат тиббиёт институтининг катта ўқитувчиси (Хоразм вилояти)

Дўсметова Шаҳзода Дўсмет кизи - Ўзбек миллий мақом санъати марказининг Хоразм вилояти бўлими мақом хонандаси (Хоразм вилояти)

Саранцева Анастасия Олеговна - Мирзо Улуғбек туманидаги 208-умумий ўрта таълим мактабининг 11-синф ўқувчиси (Тошкент шаҳри)

Мавлонова Севинч Санжар кизи - «Янги Ўзбекистон» университетининг 2-босқич талабаси (Тошкент шаҳри)

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИНИ КОМПЛЕКС РИВОЖЛАНТИРИШ: ИСЛОҲОТЛАР НАТИЖАДОРЛИГИ ВА УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Бундан Ҳазорасп, Хонқа, Шовот, Янгиарик, Янгибозор, Тупроққалъа, Хива ва Урганч шаҳарларини ишисизлик ва камбағалликдан холи худудга айлантириш топширилди.

Йиғилиш якунида мутасаддиларга қатор аниқ вазифалар юклатилди.

Хусусан, Гурлан туманидаги 158 километр канални реконструкция қилиш, тадбиркорлик лойиҳалари учун 81 миллион доллар ажратиш, 270 та насос агрегатини энергия тежамкор ускуналарга ал-

маштириш, Ўзбекистон – Туркменистон чегараолди савдо зонаси фаолиятини молиялаштириш, ижтимоий объектлар ва инфратузилмани таъмирлашга 100 миллиард сўм йўналтириш бўйича топширилди берилди.

Президентимиз мутасаддилар олдиға ишларни аҳоли ҳаётига аниқ ўзгариш олиб келадиган, натижадорликка қаратилган қилиб ташкил этиш, ҳар бир туман ва маҳаллада манзилли ёндашувни таъминлаш вазифасини қўйди.

Ў.А.

ЁШЛАР ТАШАББУСЛАРИ — СЕНАТ ЭЪТИБОРИДА

Олий Мажлис Сенатида Тошкент шаҳридаги қатор хорижий ва давлат олий таълим муассасалари талабалари ҳамда Ўзбекистон ёшлари умумжаҳон ассоциациясининг Буюк Британиядаги фаоллари билан учрашув бўлиб ўтди.



Учрашув

Дастлаб ёшлар Сенат ва Ёшлар парламенти фаолияти, қонун ижодкорлиги жараёни, шунингдек, сенаторларнинг шў тартби билан яқиндан танишиди.

Мулоқотда сенатор Малика Қодирхонова сўзға чиқиб, мамлакатимизда амалға оширилаётган парламент ислохотлари, қонун ижодкорлиги жараёнида ёш авлод вакиллари-нинг иштирокини кенгайтириш борасида олиб борилаётган ишлар ҳамда ёшлар билан очик мулоқотнинг аҳамияти ҳақда батафсил тўхталиди.

Шунингдек, мулоқот жараёнида хорижда меҳнат қилаётган ва таълим олаётган ўзбекистонлик йигит-қизларнинг тақлиф ҳамда ташаббусларини қонунчилик даражасига олиб чиқиш механизмларини яратиш, ёшлар билан доимий мулоқотни йўлга қўйиш

ҳамда ҳуқуқий жиҳатдан ижтимоий лойиҳалар ташкил этиш масалалари кўриб чиқилди. Эндликда хориждаги ёш мутахассислар ва олимлар қонун лойиҳалари муҳокама-сига эксперт сифатида жалб этилади ҳамда "Хориждаги ёшлар — парламент билан мулоқот" доимий платформаси яратилади. Учрашув якунида Ўзбекистоннинг глобал интеллектуал салоҳиятини парламент фаолияти билан интеграция қилиш мақсадида ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

«Халқ сўзи».

БОЛАЛАРГА ТИББИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИШНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ — МУҲИМ МАСАЛА

Маълумотларға кўра, жаҳонда онкологик касалликлардан ўлим кўрсаткичи юқори ўринларни эгаллайди. Сўнгги пайтларда глобал иқлим ўзгариши, озик-овқат ва ичимлик суви таркибида суғий қўшимчаларнинг кўпайиши ҳамда яшаш худудларидаги айрим зарарли моддалар таъсири туфайли мазкур касаллик нафақат катта ёшли инсонлар, балки болалар орасида ҳам кўп учрамоқда.

Ўрганиш

Ма м л а к а т и м и з д а Президентимиз томонидан тиббиёт, жумладан, онкология соҳасига катта эътибор қаратилмоқда. Саратонни ўз вақтида аниқлаш ва тўғри ташхис қўйиш, соҳаға замонавий жарроҳлик амалиётларини кенг татбиқ этиш, бу орқали беморлар саломатлигини яхшилашға устувор аҳамият қаратилляпти. Давлатимиз раҳбарининг "Онкологик, гематологик ва иммунологик касалликларға ча- линган болаларға тиббий ёрдам кўрсатишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори соҳа ривожига учун белгилаб берилган долзарб вазифалар ижросини таъминлашға муҳим ҳуқуқий асос бўлмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар қўмитаси томонидан худудларда ушбу қарор ижроси изчил ўрганилмоқда.

Хусусан, яқинда депутатлар Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказида бўлиб,

интенсив терапия хоналари ташкил қилинган. Бундан ташқари, марказда республика миқамда биринчи марта 70 ўринли амбулатор кимётерапия бўлими очилган. Бўлим етакчи хорижий марказлар стандартлари асосида жиҳозланган.

Депутатлар тиббиёт муассасасида аҳолиға кўрсатилаётган тиббий хизматлар, фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш амалиёти ва даволаш жараёнлари билан яқиндан танишди. Шу билан бирға, марказда ташкил этилган болалар онкологияси бўлими фаолияти, жарроҳлик амалиётларидан кейинги беморлар ҳолати ҳамда реабилитация жараёнлари ўрганилди.

Сеvara УБАЙДУЛЛАЕВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты:

— Ўғил-қизларда хавфли ўсма касалликларининг олдини олиш учун, аввало, ота-оналар ош томонлама соғлом ва зарарли иллатлардан холи бўлиши, шунингдек, экологик муҳит мусоффолиги жуда муҳим ҳисобланади. Ўрганишлар давомида шифокорлар ва беморлар ота-оналари билан мулоқот ўтказилиб, даволаш жараёнларини барча босқичи тахлил қилинди, соҳани янада такомиллаштириш бўйича тақлифлар билдирилди. Шунингдек, марказ мутахассислари билан худудларда амалий тиббий ёрдам кўрсатиш, илгор тажрибаларни жойларға татбиқ этиш юзасидан тақлифлар илгари сурилди. Албатта, қўмитамизда ўрганиш якунларидан келиб чиқадиган хулосаларни, билдирилган тақлифларни чуқур тахлил қилган ҳолда қонунчиликка ўзгартириш киритиш борасида тегишли чора-тадбирлар қўрилади.



«Халқ сўзи».

Сенаторлар — худудларда

МУАММОЛАР ЖОЙИДА ҲАЛ ЭТИЛДИ

Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияға қарши курашиш қўмитаси раиси Абдулҳаким Шумратов Сурхондарё вилояти Шўрчи ва Денов туманларида сайёр қабуллар ўтказди.

Фуқаролар билан мулоқот жараёнларида аҳолининг турли муаммолари, талаб ва ис-тақлари, фикр-мулоҳазалари эшитилди.

Мурожаатларнинг асосий қисмини иш билан таъминлаш, ичимлик суви тортиш, кредит ажратиш, трансформатор ўрнатиш, йўлларни таъмирлаш, даволаниш билан боғлиқ масалалар ташкил этди.

18 нафар фуқаронинг мурожаати сенаторнинг аралашуви билан жойида ижобий ҳал қилинди. Ун нафар фуқаро ишға жойлашти-

рилди, 4 нафар фуқароға тиббий йўланма берилди, 2 нафари даволанишға ётқизилди, кредит ажратилиши ҳамда кадастр ҳужжатлари расмийлаштирилиши таъминланди.

Сенатор томонидан мурожаатлари тўлиқ ўрганиб чиқиш ва натижаси бўйича қонуний қарор қабул қилиш ҳамда муаммоларни жойларнинг ўзида ҳал этиш бораси

«ЯШИЛ МАКОН» — ТАБИАТ БИЛАН УЙҒУН ТАРАҚҚИЁТ

Бугунги глобал тараққиёт шароитида “яшил” иқтисодиёт тушунчаси нафақат экологик сифат, балки барқарор иқтисодий ўсишнинг ҳам асосий йўналишига айланмоқда. Табиий ресурслар чекланган, экологик муаммолар тобора кучайиб бораётган бир пайтда иқтисодий ривожланишни атроф-муҳитни муҳофаза қилиш билан уйғунлаштириш ҳаётий заруратдир.

Акс садо

“Яшил” иқтисодиёт инсон саломатлиги, ҳаёт сифати ҳамда келажақ авлодлар манфаатларини таъминлашга хизмат қилади. Шу маънода, экологик барқарорлик ва иқтисодий ўсиш бир-бирини тўлдирувчи ҳамда мустақамловчи омиллар, десак, тўғри бўлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2026 йил 16 февралдаги “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш” йилдаги устувор йўналишлар бўйича ислохотлар дастурлари ва “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини амалга ошириш бўйича давлат дастури тўғрисида”ги Фармони мамлакатимиз тараққиётини янги босқичга олиб чиқишга қаратилган муҳим сиёсий-ҳуқуқий ҳужжатдир. Унда йил дастури доирасида белгиланган устувор йўналишлар, шунингдек, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини амалга ошириш вазифалари аниқ белгилаб берилган.

Асосий мақсад барча соҳада ислохотларни янги босқичга кўтариш, “яшил” иқтисодиёт таъминловчи асосланган барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, маҳаллаларга Янги Ўзбекистон кўчмақоли олиб кириш ва “Инсон қадри учун” қосимни амалда рўйбга чиқаришдан иборат.

Фармонга мувофиқ, 2030 йилга қадар ялпи ички маҳсулот ҳажмини 240 млрд. АКШ доллари билан ошириш, иқтисодий ўсиш суръатини 6,6 фоизга етказиш, хорижий инвестициялар ҳажмини 50,4 млрд. долларга олиб чиқиш режалаштирилган. Шу билан бирга, бир миллион



янги иш ўрни яратиб, 263 минг оилани камбағалликдан қичариш қўзда тутилган.

Эътиборлиси, жорий йилнинг ўзидаёқ ялпи ички маҳсулотни 167 млрд. долларга етказиш мўлжалланмоқдаки, бу кўрсаткичлар “яшил” тараққиёт модели иқтисодий ўсиш билан экологик барқарорлик уйғунлашган ҳолда амалга оширилаётганини аёнлаштиради.

“Яшил” транспорт — соф ҳаво кафолати, дегани. Экологик барқарорлиқни таъминлашда тоза транспорт воситаларини жорий қилиш муҳим аҳамият касб этади. Шу маънода, электромобиллар хариди учун 16 фоизгача имтиёзли кредитлар ажратиш, қувватлаш станцияларини 4 мингтага етказиш, ёнгилиги двигателли автомобилларнинг атмосфера ифлосланишидаги улушини 7 фоизга камайтириш каби чоралар “яшил” транспорт тизимини шакллантиришга хизмат қилади.

“Яшил макон” лойиҳаси доирасида мамлакатимиз бўйлаб 365 минг гектар ерда дарах ва буталар экиш режалаштирилган. Айниқса, Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро ва Навоий вилоятларида 250 минг гектар майдонда, жумладан, Оролнинг қуриган тубида 115 минг гектарда кўчат экиш белгилангани ислохотларимизга мусо хайрли амаллардан. Бундан ташқари, республика бўйлаб 14 та ботаника ва дендрология боғи,

20 тадан соя-салқин сайр кўчалари барпо этилади. Бу ташаббуслар экологик вазиятни яхшилаш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ва яшаш муҳитини кўркамлаштириш имконини беради.

Дарвоқе, саноатда экологик масъулият ниҳоятда муҳим. Шу боис эндиликда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти атрофидаги 6 517 та иссиқхонага филтёрлар ўрнатиш ёки уларни бошқа ҳудудларга кўчиришни рағбатлантириш бўйича янги тизим жорий этилади. Атмосферага зарарли чиқиндилар қичараётган йирик корхоналарга 7 йил муддатга 100 млн. долларлик кредит линиялари ажратилади. Худуднинг ҳаво ифлосланишидаги улушини 70 фоизга тушириш устувор мақсад сифатида белгиланган.

Бугун маҳаллаларни ободонлаштириш, кўк-лампорлаштириш, яшил боғлар, сайр кўчалари ва болалар майдончаларини барпо этиш орқали яшил инфратузилма ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланмоқда. Шу маънода, бу йил маҳалла — “яшил” ислохотлар марказида бўлади. Айни шу мақсадларда Маҳалла жамғармасига йилга қўшимча 300 млрд. сўм ажратилади, 100 минг янги иш ўрни яратилиши ижтимоий ҳамда экологик фаровонлиқнинг уйғун ривожини таъминлайди.

Фармон ва унга илова қилинган дастурлар иқтисодий ўсишни таъминлаш билан бирга, мамлакатимизнинг “яшил” ривожланиш моделига ўтишни янада жадаллаштиради. Бу ислохотлар бугунги авлод манфаатлари қаторида, келажақ авлодлар тақдирини ҳам ўйлаб қабул қилинган стратегик қарорлар, десак, айни ҳақиқат.

Хайрулло ҒАФФОРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг
Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари кўмитаси раиси.

Маҳаллий бошқарувда янги тизим: МУКАММАЛЛИК САРИ ҚАДАМ

Мамлакатимиз тараққиётини кейинги йиллар барча ҳабада ислохотлар даври бўлди. 2017 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислохотлар Концепциясида маҳаллий давлат ҳокимиятини тубдан янгилайдиган ўзгариш — вакиллик ва ижро ҳокимиятини ажратиш, ҳокимларнинг вакиллик ҳокимиятига бошчилик қилишдан воз кечиш масаласи илгари сурилди ва янги тахрирдаги Конституцияда бу масала ўз ўрнини топди.

Мулоҳаза

Авалги Конституцияда вакиллик ва ижро ҳокимияти органларининг вазифалари (ваколатлари) ажратилмай битта моддада белгиланган бўлса, янги тахрирдаги Конституциянинг 122-моддасида халқ депутатлари Кенгашларининг ваколатлари, 123-моддада ҳокимларнинг ваколатлари белгилаб қўйилди. Мисол учун, 95-модда 11-бандида Сенатнинг мутлақ ваколатлари қаторида “Маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари ўз фаолиятини амалга оширишда қўмақлашди” деган норманинг акс эттирилиши Сенат билан маҳаллий ҳокимият органлари муносабатини Конституциявий даражага кўтарди.

2024 йил 18 октябрда “Янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатлари Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини таъминлаш тўғрисида қаралган ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. Бу қонуннинг 1-моддасида халқ депутатлари Кенгашлари ва ҳокимларнинг мустақил орган экани, вакиллик органлари ва ҳокимлар алоҳида мўҳрга эга бўлиши, 2-моддасида эса ҳокимларни лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилишнинг аниқ қоидалари ҳамда 6-моддасида Кенгашлар ва ҳокимларнинг қабул қилган ҳужжатлари қўлга киришида ягона электрон тизимнинг ўрни алоҳида кўрсатиб қўйилди.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, янги тахрирдаги қонунда вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимияти алоҳида ваколатлар берилган бўлиб, бундай ваколатлар тўғрисида маҳаллий ҳокимларнинг мутлақ ваколатлари бўлиб, бундан “Маҳаллий давлат ҳокимияти фаолиятининг молиявий асослари” деган 3-боб чиқариб ташланди ва ундаги масалалар — “Маҳаллий давлат органларининг вилоят, туман, шаҳар бюджетдан ташқари жамғармалари” номи 81-моддада мустақамланди.

Шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ер муносабатларини тартибга солиши (ваколатлари) жиддий ўзгариштирилди. 10-моддага асосан эндиликда вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда ер участкаларини доимий фойдаланишга бериши мумкин. Аввалги



қонунда бундай ҳуқуққа туман ва шаҳар ҳокими ҳам эга эди. Энди эҳтиёткорлик билан қонунда белгиланган тартибда вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари ер участкалари ҳақидаги қарор қабул қилишнинг қисмини компенсация эвазига жамоат ахтиёрликларини унчи олиб қўйиш ҳақида қарор қабул қилиши мумкин.

Янги тахрирдаги қонунда Кенгаш сессияларини қачирини, унга тайёрларлик қўриш, ўтказиш масалалари оқилона ҳал қилинди, бу ишларда ҳоким иштироки чекланди. Лекин унинг сессияда иштирок этиш, кун тартибига масала киритиш, навбатдан ташқари сессияни қачирини ташаббуси сақлаб қолинди.

Халқ депутатлари Кенгашлари фаолиятида назоратни кучайтириш муҳим масала. Аввал Кенгашлар фаолиятида фақат доимий комиссиялар тузилиши назарда тутилган бўлса, эндиликда муваққат комиссиялар ҳам тузилиши қонунда кўрсатиб қўйилди. Шунингдек, халқ депутатлари Кенгашлари ваколатлари сезиларли кенгайтирилди ва аниқлаштирилди. Қонуннинг 24-моддасига биноан уларнинг ваколатлари аввал 12 та банддан иборат бўлса, янги тахрирдаги қонунда 29 бандга белгиланди. Улар қаторида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш дастурларини тасдиқлаш; бюджетни ижро этишнинг устидан назоратни амалга ошириш; ҳудудий бюджетларга ўзгариш киритиш ҳақида қарор қабул қилиш; бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг бюджет маблағларидан самарали фойдаланиши ҳамда эришилган натижалар тўғрисидаги ҳисоботларни эшитиш каби ваколатларни санаб ўтишимиз мумкин.

Қонунда ҳокимлар, ички ишлар ҳудудий бўлиналари раҳбарлари, соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳудудий бўлиналари раҳбарларининг ҳисобот бериши ва ҳудудий адлия органлари раҳбарларининг ахборот бериши белгилаб қўйилгани билан чекланмай, алоҳида моддаларда ҳисобот, ахборот бериш тартиблари, уларнинг оқибатлари ҳам аниқ кўрсатиб қўйилди (251 — 254 моддалар).

Янги тахрирдаги қонуннинг 256 — 258 моддаларида эса Маҳаллий вакиллик органлари фаолиятига кири-

тилган янги “Кенгаш сўрови”, “Кенгаш текшируви”, “Кенгаш текширувини ўтказиш бўйича комиссия” каби институтларнинг вазифаси, ваколати, ишнинг ташкил қилиш масалалари ҳам аниқ қайд этилди.

Нафсиларини айтганда, Кенгаш ва ҳокимлар фаолиятида қонунийликнинг кафолатлари кучайтирилди. Барча бундангидеги Кенгашларнинг қонунчилик нормаларига мувофиқ келмайдиган қарорлари белгиланган тартибда Сенат томонидан бекор қилиниши белгиланди. Бу Кенгашларнинг Сенат билан муносабати кучайтирилганидан далолат беради.

Қонундаги яна бир янгилик — Президентнинг фақуллода ҳолат жорий этиш тўғрисидаги фармонида бундай ҳудудда фақуллода ҳолатнинг амал қилиши даврида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ваколатларини тўлиқ ёки қисман тўхтатиб туришни назарда тутувчи норма киритилганидир.

Маҳаллий давлат ҳокимияти фаолиятини таъминлашнинг доимий жараёнига айланган воқеа, деб бемалол айтишимиз мумкин. Қонун янгиликларини билан бу жараён тугамайди. У мунтазам тақомилга муҳтож, бунга ҳаёт, ижтимоий муносабатларнинг ривожланиб бориши доимо таъсир қилади.

2026 йил 19 — 31 январь кунлари ҳокимлар ва Кенгаш раислари, котибият раҳбарлари учун Сенат томонидан ташкил этилган семинар машғулотлари ҳам шу бўлиқни тўлдириб-да муҳим қадам бўлди.

2025 йил 26 декабрдаги Мурожаатномада эса Президентимиз олтинчи йўналиш сифатида давлат бошқаруви соҳасидаги ислохотларни давом эттиришни кўрсатар экан, вилоят ҳокимлари ва Кенгашлар раисларининг лавозимлари бир-биридан ажратилгани, бу тизим 2026 йил 1 январдан туман ва шаҳарларда ҳам йўлга қўйилиши (йўлга қўйилди) айни пайтда бу жиддий сиёсий ислохот — ҳокимлар ва ижро идораларидан Кенгашларга муносабатини мутлақо ўзгариши талаб қилиниши алоҳида таъкидланди.

Ҳақиқатан ҳам, бу мураккаб ва кўп эътибор талаб қиладиган иш. Бунинг учун тахрибга алмашишни доимий йўлга қўйиш, қўлга киритилган ютуқ ва камчиликлар ҳақида оммавий ахборот воситаларида мунтазам маҳаллий бошқаруving янги модели бўйича сиёсий-ҳуқуқий фароғат доирасида грантлар белгилаш, илмий тадқиқотларни кенг йўлга қўйиш лозим.

Озод ХУСОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Давлат сиёсати ва бошқаруви
академияси профессори,
юридик фанлар доктори.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ИСЛОХОТЛАРНИНГ ЖОЙЛАРДАГИ ИЖРОСИ ВА УСТУВОР ВАЗИФАЛАР



Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Экологик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда фракция аъзоларининг сайлов округларидаги ўрганиш якунлари қўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, 26 — 28 февраль кунлари депутатлар сайлов округларида бўлиб, аҳоли билан юзма-юз мулоқотлар ўтказди, жойлардаги мавжуд муаммоларни ўрганиш ҳамда ислохотларнинг амалий натижаларини таҳлил қилди. Хусусан, фракция аъзолари 41 маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб, “маҳалла еттилик” фаолияти билан таниди. Шунингдек, маҳаллада ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш ва ҳавфсиз муҳитни таъминлаш бораси-

да амалга оширилаётган ишлар ҳолати ҳам ўрганишлар марказида бўлди.

— Учрашуларда 3 393 нафар фуқаро, жумладан, 90 нафар тadbиркор билан бевосита мулоқот ўтказилди, — дейди фракция аъзоси Ойбек Раҳимов. — Шунингдек, 47 та ижтимоий соҳа объекти, 30 та тadbиркорлик субъекти фаолияти билан жойида чиққан ҳолда танишди. Сайловчилар билан суҳбатларда Президентимизнинг “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалти-

риши” йилдаги устувор йўналишлар бўйича ислохотлар дастурлари ва “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини амалга ошириш бўйича давлат дастури тўғрисида”ги Фармонида белгиланган устувор вазифаларнинг мазмун-моҳияти аҳолига етказилиб, ислохотларнинг жойлардаги ижроси атрофлича ўрганилди.

Муҳокама жараёнида айрим ҳудудларда инфратузилма, ичимлик суви таъминоти, маиший чиқиндиларни ўз вақтида олиб кетиш, таълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари билан боғлиқ айрим масалалар мавжудлиги айтилиб, уларни тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда ҳал этиш чоралари белгилаб олинди.

Шунингдек, йиғилишда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламенти Ўзбекистон Экологик партияси гуруҳи аъзоларининг 2025 йилдаги

фаолияти ҳамда 2026 йилда амалга ошириладиган устувор вазифалар муҳокама қилинди.

Йиғилишда ёшларнинг экологик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, “яшил иқтисодиёт” гояларини тарғиб қилиш, қонунларни ишлаб чиқишда иштирокини кучайтириш, таълим муассасаларида экологик тарғибот ишларини тизимли йўлга қўйиш ҳамда жойларда амалий экологик акциялар ташкил этиш вазифалари белгиланди.

Ёшлар парламенти гуруҳининг 2026 йилга мўлжалланган иш режасини давлатимиз раҳбарининг ёшлар билан мулоқотида айтилган вазифаларидан келиб чиқиб янада тақомиллаштириш, уни амалий ишлар ва аниқ механизмлар билан бойитиш юзасидан тегишли тавсиялар берилди.

Кун тартибидagi масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

ЯНГИЛАНАЁТГАН «ЖАНУБ ГАВҶАРИ»



“Каттакон Ватан экан, юмушлари ҳаддан кўп...” Бу Фафур Фулом мисраси. Ростдан ҳам, шундай. Ўзбекистон — катта Ватан. Юмушлари сероб. Шу боис Президентимиз Ватан дея елиб-юғурди, бир зум тин олмайди, гоҳ мамлакат, гоҳ дунё кезади, шарчамайди, толмайди... Президентимиз Сурхондарёга ташрифи — сўзларимизнинг бир амалий исботи.

Акс садо

“Жануб гавҳари”га бу сафарги ташриф бошқача бўлди. Сурхондарёликлар давлатимиз раҳбарини соғинч ва интиқлик, ҳурмат меҳр билан кутганида. Бу ҳар бир юртодошимиз кўзларида кўриниб турди. Ёши улуглар, ёшлар, деҳқонлар, олимлар билан учрашув ва мулоқотларда самимийлик, кўнгилдан сўз айтиш, ҳаёт азиятларини аниқлаштириш устуворлик касб этди.

“Томорқа мактабида”ги мулоҳазалар, Жарқўрғондаги фикрлар, ҳарбийлар чегара ҳақидаги сўзлар, Бойсунда гулханлиб ёнаётган газ тўғрисидаги гаплар, катта анжумандаги ривожланиш бўлиб бораётган қанча-қанча тақлибу топириқлар... Тинчликнинг сув билан ҳаводий зарурлиги... Президентимизнинг ҳар бир сўзи, суҳбатлари ҳаётнинг ўзидай маъноли. Эшитиб, ўйга толасиз, тинглаб, юрагингизга куч олсангиз. Дунёнинг маъноси тушунасиз. Утаётган вақтнинг муҳиятини уқасиз. Юртимизда қилинаётган ҳар бир ишнинг муҳиятини аниқлаш. Англаганингиз сари шодлигингиз, шукроналигингиз ортади.

“Қишдан ўтдик. Шундай вақтлар бўлганда, қишда уч ойлаб, чироксиз ўтирдик. Улар ортада қолди”, дейди Президентимиз. Ҳақиқатан ҳам, бугун хонадонларимиз, кўчаю хиёбонларимиз куну тун ёруғ, чароғон. Шунга монанд ҳаётимиз ҳам мунавар.

Баҳор Сурхондарёдан бошланади...

Ташриф кунлари баҳор арафаси эди. Сурхондарёда абруу найсонлар осади. Бодоғлар оппоқ гуллаган. Деҳқонлар далада. Ҳар бир маҳаллада неча-неча жойда сумалакар қайнапти. Уларни қўриб, ярайсиз. Борлигингиз баҳорланади. Ямайил майсалар, ариқда тўлиб оқётган сувлар, осмонда учаётган турналар, бободехқоннинг Боботоғдай хайбатланиши, хайбатланиши, хайратланиши... Президентимиз таъкидлаганидек, “Баҳор Сурхондарёдан бошланади...”

Жарқўрғон туманида “Қораёнтоқ” деган жой бор. Бу ер 5-6 йил илгари сақро эди. Қумлик. Бир тул дарахт йўқ. Қум устига ким уй солади. Шамолда қуон эврилди. Кум тепаларда қум айланади. Турғай учмас, турна қўнмас чўл... Шундай эди. Бугун-чи? Қўрасиз, тилингиздан сўз учмади, нахотки, шу Қораёнтоқ! Туш кўрпаямми? Бу ерда барпо этилаётган “Янги Ўзбекистон” массиви ҳудуд қўймасини бутунлай ўзгариб юборди. Қўп қаватли уйлар, замонавий таълим муассасалари, ойнадек асфальт йўллари, бўй чўзаётган ниҳоллар, гуллаб турган дарахтлар, шўх-шўх уйнаётган болалар, минг ранг гуллар, қўзлари чарқалаган ёшлар, ози қўйиш нурунилар... Нафақат ҳудуд, балки кўнгил ободлиги нишонаси.

Президентимиз бу ўзгаришларни қўриб, шодланди, севибди. Массивдаги сумалак сайлида иштирок этиб, аҳоли билан бирга шодийна кайфиятда бўлди,

бу ерда истиқомат қилаётган инсонларнинг самимий фикрларига қўлоқ тутди. Сурхондарё — Афғонистон билан чегарадош. Каерда чегара бўлса, у ерда масъулият бошқача. Чегаралар дахлсизлиги — тинчлик гарови.


Ўзбекистон Республикаси Президентини, Қўролли Кучлар Олий Бош Қўмондонини Шавкат Мирзиёев Сурхондарё вилоятига ташрифи чоғида ҳарбий қисмда ҳам бўлди. Бу ерда яратилган шароитлар, ҳарбий техника ва қўрол-аслаҳаларни, жумладан, замонавий ҳаво ҳужумидан мудофаа комплексларини кўздан кечирди.

Дарҳақиқат, бугун Қўролли Кучларимиз қудратли имкониятга эга. Ҳарбийларимиз қўларидан жаҳоний ҳарбий технологиялар, кўнгилда Ватан тўғриси. Улар ҳушёр, ҳаммаша уйғоқ, фикри теран, синчков ва чаққон, қўли ҳамда забардаст. Буларни эшитиб, қудратланасиз. Зотан, юрда осойишталик мустаҳкам бўлса, эртанги кунга ишончингиз ортади. Тинчлик келажакни яратди. Ҳаловатда, эркинликда ҳаёт гуллайди.

Ҳар жабҳага илм билан ёндашилади

Сурхондарё кундан-кунга фаровон. Айни пайтда қилинадиган ишлар... Эҳ-ҳе, юзлаб минглаб. Белни беш жойдан бойлайдиган пайт. Вилоятда 49 минг гектар томорқа деҳқонлар ихтиёрида. Ундан фойдаланиш қандай? Термиз туманида “Томорқа мактаби” ташкил этилиши бежиз эмас. Томорқалардан зўр фойда қўриلسа, бир йилда 4-5 марта ҳосил олинса, бу ерда “Томорқа мактаби”га не ҳолат эди?.. Ер унумдор, сув сероб, ҳаво қуёшли, туپроққа кетмон дастани қадаб қўйсангиз, қўқариб кетди. Аммо мактаб олимпиадаси, даромад ҳам. Нега? Деҳқончилик илми етишмапти. Каерга нимани экиш керак? Қайси экин нави энг ҳосилдор? Уларга сув қандай берилади? Тарвуздан лимончага, пийздан қарама-ча, банандан олмагача... Уларнинг дунёда энг харидоригар навларини биланми? Ахир экиладиган уруғ сифати, қадалдиган кўчат нави, олинандиган ҳосил — барчаси камбарчас. Жаҳон бозорига айни шу омиллар рақобатбардорлиқни таъминлайди. Шу боис энди деҳқончилик ҳам илм билан ёндашилади. Акс ҳолда йиғиштирилган ҳосилимизни экспорт қилмай, “аттан”да юрамиз. Бозорда сотилмай, бош тебратиб, жавдираб турамиз.

Томорқа деган ҳазинага кўп йиллар панжа орасидан қаралди. Деҳқон ўз холига ташлаб қўйилди. У томорқадаги мевасини, қўвун-тарвуз, картошка-помидорини сотолмай қийнади. Масалан, минг-минг тонналаб пийёз кўчага чиқариб ташланганига гувоҳимиз. Шундай йиллар бўлди, “тележка-тележка” қарам қичита тўкиди. Томорқ-



ага экилган ўриқлар ҳосили ерга, туپроққа қўмилди, нобуд бўлади. Томорқа муаммоси олиб йиллардан келяпти. Бу исрофу нобудгарчиликка ким айбдор? Балки томорқачи нима экишини билмаётгандир? Эҳтимол томорқа ҳосилини сотиб олиш тизимида муаммо бордир? Булар қандай ҳал этилади?

Президентимиз “Томорқа мактаби” Сурхондарё тахрибаси бўлишини, вилоятнинг бошқа туманларида ҳам ана шундай мактабларни очиш, ҳатто республика вилоятларида иккитадан “Томорқа мактаби” ташкил этилишини айтиди. Айни пайтда эслатдикки, иссиқхонадан ҳосил олиш Сурхондарё шароитида анча манфатли. Эътибор қилинг, Тошкентда иссиқхонадан 1 тонна ҳосил олиш 12 миллион сўмга тушади. Сурхондарёда 1 тонна ҳосил олишга 5 миллион сўм кетади. Сурхон қўши — барака манбаи. “Томорқа мактаби” қайсибир маънода Сурхондарёнинг қўшини олтинга, бойликка, маблағга айлантириш мактабидир.

Президентимиз Сурхондарё вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари юзасидан ўтказилган йиғилишда ҳудуд тараққиёти, фаровонлик, одамларнинг розилиги, аҳолини иш билан таъминлаш борасида қатор тақлиф ва ташаббусларни илгари сурди. Йиғилишда таъкидландики, қонларимизда миллионлаб тонна кўмир бўлгани ҳолда, унинг самарадорлиги кам. Шунинг учун кўмирдан бугунги замонавий техно-



логиялардан фойдаланиб, синтетик ёқилғи олиш зарур. Бу янги маблағ, янги иш ўринлари демак. Қолаверса, вилоятда олтин, қумуш, қўроғошин ва бошқа қонлар мавжуд. Хали уларни қазиб олиш етарли даражада эмас. Шуларни ҳисобга олиб, мис кластери ишга туширилади. Хориж тахрибаси олиб келинади. Термизда бизнес форуми ўтказилади. Улар яхши самара беради. Олма пиш, озғимга туш, деб ўтирадиган давр эмас ҳозир. Сурхондарёда шундай ноёб тошлар борки, улар халқ ҳўжалиги учун хориждан импорт қилинапти. Узимиздаги қонларни ишга тушириш муҳим. Жуда муҳим!

Йўллар яқин — диллар яқин

Ҳар кўни кечқурун ёки тонг отмай осмонга боксанғиз, булутлар қип-қизил. Нимадир ловулайди. Биламан, у Бойсунда газ. Гўё булутларни алангалайди. Унинг унқулари кечаси Олтинсойдан ҳам, Деновдан ҳам, Жарқўрғондан ҳам қўрилади. Бейхитёр уйлаб бошлайсиз: табиий газ беҳудадан-беҳуда ёнмаптими? Атрофни заҳарламаптими? Газ олови қачон тўхтатилади? Мутахассислар нима қилишяпти?

